

**Турини тасдиқлаш бўйича синов натижаларини ўзаро тан олиш.
Ўлчов воситаларини синов дастурларини ишлаб чиқиш тартиби.**

Режа:

1. Ўлчаш воситаларини турини тасдиқлаш синовларини ташкил этиш ва олиб бориш тартиби
2. Тасдиқланган турига мувофиқлик синовларини расмийлаштириш ва кўриш тартиби
3. Метрологик таъминот ва унинг асосий жиҳатлари

1. Ўлчаш воситаларини турини тасдиқлаш синовларини ташкил этиш ва олиб бориш тартиби

Давлат метрологик назорати доирасида қўлланадиган ўлчаш воситалари ЎзДст 8.002 - га мувофиқ, мажбурий равишда, хилини тасдиқлаш синовидан ўтишлари лозим. Ўлчаш воситаларини хилини тасдиқлаш учун, улар синалади ва синов жараёнида уларни метрологик қоидаларга, меъёрларга ва меъёрий ҳужжатларни талабларига жавоб бериши аниқланади. Синов натижалари бўйича “Ўзстандарт” агентлиги ўлчаш воситасини хилини тасдиқлаш ёки тасдиқламаслик ҳақида қарор қабул қилади.

Ўлчаш воситасини эгаси синовларни ўтказиш учун буюртма беради. Буюртма синовлар режалаштирилаётган кварталнинг бошланишидан 30 кун олдин берилади. Буюртмалар асосида “Ўзстандарт” агентлиги синовларни ўтказиш графигини тузади, графикда синовлар ўтказиладиган жой ва синов муддатлари кўрсатилиши лозим.

Қуйидагилар буюртма бериши мумкин:

- ўлчаш воситасига буюртма берувчи ташкилот;
- ўлчаш воситасини яратувчи ташкилот;
- ўлчаш воситасини ишлаб чиқарувчи ташкилот;
- ишлаб чиқарувчидан тарқатувчи ташкилот;

- ўлчаш воситасини ҳаридори, истеъмолчиси;
- импортёрлар;
- чет эл фирма ва ташкилотларининг расмий вакиллари.

Синовлар давомийлиги икки ойдан ошмаслиги керак. Баъзи бир ҳолларда, “Ўзстандарт” агентлиги билан келишув асосида, синовлар муддатлари узайтирилиши мумкин.

Синовларни ўтказиш тартиби. Қабул комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни тўлиқлигини текширади. Синов жараёнида қуйидагилар текширилади:

- синалаётган ўлчаш воситаларини замонавий техника даражасига, техникавий топшириқга, техникавий шартларни талабларига, ишлаб чиқарувчи фирмани талабларига, техникавий талабларни миллий стандартларига жавоб бериши;

- техникавий ҳужжатларда ўрнатилган метрологик характеристикаларни, ҳамда белгиланган қиёслаш усулларини ва воситаларини, қиёслашлараро интервалларни тўғрилиги ва тўлиқлиги;

- ўлчаш воситаларини меъёрланган метрологик характеристикаларини заводдан чиққанидан кейин, ремонтдан кейин ҳамда эксплуатасия давомида назорат қилиш имконияти борлиги;

- эксплуатасия, монтаж, қиёслаш ва аттестасия давомида ўлчаш воситаларини хавфсизлик, соғлиқни сақлаш ҳамда экологик талабларига жавоб бериши.

Ўлчаш воситаларининг синовларини тартиби ва ҳажми синов дастури билан белгиланади.

Синовларнинг натижаларини расмийлаштириш. Синов натижалари бўйича ЎзДст 8.009 га мувофиқ синов акти тузилади. Акт синовларни ўтказган ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

Буюртмачи қиёслаш усулларини метрологик хизмати бош маркази билан келиштиради ва уларни “Ўзстандарт” агентлигида тасдиқлайди.

Давлат синовларини ўтказиш тартиби. ЎВ нинг хилини тасдиқлаш мақсадида синовлар қабул комиссияси томонидан ўтказилади. Комиссия таркибини Ўзстандарт Агентлигининг бунга қарашли тузилмаларининг ва Ўзбекистон Республикаси метрологик хизмати Бош маркази (Ўз МХБМ) вакиллари киритилиши лозим. Ўз МХБМ нинг вазифаси СМС ИТИ га юклатилган.

ЎВ нинг хилини тасдиқлаш мақсадида ЎВ нинг намуналари (нусхалари) ни синаш О'z DSt 16.4:2001 ва О'z DSt 8.006:1999 бўйича аккредитланган синаш (ўлчаш) лабораторияларида ўтказилади.

ЎВ нинг хилини тасдиқлаш мақсадида синовлар бундай синовларни ўтказиши учун Ўзстандарт Агентлиги тайинлаган ташкилотнинг раҳбари тасдиқлаган синовлар дастури ва методикасига мувофиқ ўтказилади.

ЎВ нинг хилини тасдиқлаш мақсадида синовларни ЎВ ни синаш намунавий дастурлари бўйича ўтказиш ҳам рухсат этилади.

ЎВ нинг хилини Ўзстандарт Агентлиги илмий-техникавий комиссиясининг таклифларига асосан тасдиқлайди.

ЎВ нинг хили тасдиқлангандан кейин хилини тасдиқлаш мақсадида синовларни ўтказган ташкилотнинг раҳбари ЎВ текшириш методикасини (илгари тасдиқланган методика йўқ бўлган ҳолларда) ва ЎВ хилининг тавсифини тасдиқлайди. Ўзстандарт Агентлиги Ўзбекистонда серияли ишлаб чиқаришга мўлжалланган ЎВ учун техник шартларни давлат рўйхатидан ўтказди.

Ўзстандарт Агентлиги тасдиқланган ЎВ хилини ЎзРХ 51-019:2005 бўйича Давлат рўйхатига киритади.

Тасдиқланган ҳужжатлар комплекти ЎВ давлат реестрининг ишида сақлаш учун топширилади.

Ўлчаш воситасини тайёрловчи-ташкилот хили тасдиқланган ЎВ га, Ўзбекистонда сериялаб чиқариладиган ЎВ га ва уларнинг эксплуатацион ҳужжатларига ЎВ Давлат реестрининг белгиси бўйича ёзиб қўяди.

Хили тасдиқланган ЎВ га, Ўзстандарт Агентлиги тасдиқлаган тартибда, хилни тасдиқлаш тўғрисидаги сертификат берилади.

Ўлчов воситаларининг давлат синовларини ўтказиш, турини тасдиқлаш ва Давлат реестрига киритишни "Ўзстандарт" амалга оширади.

Тасдиқланган ўлчов воситаларига ёки уларнинг фойдаланиш хужжатларига ишлаб чиқарувчи Давлат реестри белгисини кўйиши шарт.

Бошқа давлатларнинг ўлчов воситаларини синаш ва метрологик аттестациялаш натижалари тузилган шартномалар ҳамда битимларга мувофиқ эътироф этилади.

Давлат синов лабораториялари қуйидаги вазифаларни бажаради:

- марказий органлар таклифига биноан мажбурий синов қилинадиган маҳсулот рўйхатини тасдиқлаш;

- маҳсулотни назорат синовларини ўтказиш, унинг техникавий даражаси ва сифатини аниқлаш;

- маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки импорт қилиш учун рухсат бериш;

- ишлаб чиқарувчи корхоналарда сифатни бошқариш бўйича чоратадбирларни, стандартлаштириш бўйича ишларни, корхоналар назорат-ўлчаш асбоблари билан жихозланганлигини текшириш.

Давлат синов марказлари ўхшаш маҳсулотлар қиёсий синовлари натижаларини нашр этадилар. Лабораторияларда биринчи навбатда экспортга мўлжалланган буюмлар мажбурий аттестацияланади ва назорат қилинади.

Ариза берувчи ўз маҳсулотининг танлаб олинмишида ва синовларида қатнашиш ҳуқуқига эга. Намуналарнинг сақланиши, сифати ва синовларининг ишончлилиги учун синов ўтказишга тақдим қилинган лаборатория (марказ) жавобгар ҳисобланади. Синовлар бўйича баённомаларини масъул мутахассислар имзолайди ва лаборатория раҳбари тасдиқлайди.

Ариза берувчи сертификатлаштириш идорасига аккредитация қилинган лабораториялардаги маҳсулот синовлари бўйича қўшимча хужжатларни тақдим этиши мумкин. Агар маҳсулотни алоҳида кўрсаткичлари бўйича синовлар турли синов лабораторияларида ўтказилган бўлса, у ҳолда

синовларнинг ижобий натижалари билан бирга барча зарур баённомаларнинг мавжудлиги маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигининг ижобий баҳоси ҳисобланади.

Республикага четдан келтириладиган, мажбурий тартибда сертификатланиши керак бўлган маҳсулотга меъерий ҳужжат мавжуд бўлмаганда, сифат ва хавфсизлик бўйича сертификатлаштириш синовлари маҳсулотнинг ана шундай турлари талабларига мувофиқлиги юзасидан амалга оширилади.

Лаборатория синовларининг салбий натижалари, шунингдек ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаган комплектини тақдим этиш мувофиқлик сертификати беришни рад этиш учун асос ҳисобланади, бу тўғрида сертификатлаштириш идораси ариза берувчига аниқ қонунчилик нормаларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда хабар қилади.

Хулоса беришни рад этганлик юзасидан ариза берувчи белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

Лаборатория синовларини ўтказганлик, сертификатни расмийлаштирганлик ва берганлик учун тўлов тартиби, лицензия ажратмалари миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда "Ўзстандарт" агентлигининг йўриқнома ҳужжатлари асосида белгиланади.

2. Тасдиқланган турига мувофиқлик синовларини расмийлаштириш ва кўриш тартиби

ЎВ синов натижалари бўйича РХ51-022 нинг Г иловада келтирилган шакл бўйича далолатнома уч нусхада тузилади.

Синовлар "Ўзстандарт" агентлиги томонидан ўтказилганда далолатноманинг биттадан нусхаси сўровчига, (зарурат бўлганида) сўровчининг юқори ташкилотига юборилади.

Далолатномани бир нусхаси Давлат реестирини ҳужжатлар йиғма жилдига тегишли маълумотларни киритиш учун берилади.

ЎВ тасдиқланган хилига мувофиқлик синовларни натижалари ижобий бўлганида “Ўзстандарт” агентлиги белгиланган тартибда қуйидаги қарорни қабул қилади:

- ЎВ ларни серияли ишлаб чиқаришга (ЎВ ларни чет элдан тўплари билан келтиришга) рухсат бериш ёки шу рухсатномани амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида.
- ЎВ ни хилини таърифига киритилган ўзгартишларни (зарурат бўлганида) Давлат реестрига киритиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасида чиқарилаётган ва ишлаб чиқарилиш мўлжалланган ЎВ лари синовларининг натижалари салбий бўлганида “Ўзстандарт” агентлиги ёки СМСИТИ белгиланган тартибда қуйидаги қарорни қабул қилади:

- ЎВ ишлаб чиқаришини тақиқлаш тўғрисида.
- ЎВ Давлат реестридан чиқариш тўғрисида
- ЎВ ишлаб чиқаришга ҳуқуқ берадиган қайд этилган гувоҳномасини бекор қилиш тўғрисида.

Четдан келтирилаётган ЎВ нинг синовларини натижалари салбий бўлганида, уларни хили Давлат реестридан чиқарилади ва ЎВ синалган хилини четдан олиб келиш ҳуқуқини берадиган қайд этилган гувоҳномаси бекор қилинади.

“Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида келишилган сиёсатни ўтказиш тўғрисида” ги битимга имзо чекган давлатлардан сотиб олинган ЎВ синовларининг натижалари салбий бўлганида, “Ўзстандарт” агентлиги шу ЎВ келтирилишини тақиқлайди ва ЎВ ишлаб чиқарувчи давлатнинг миллий идорасига ва стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро Кенгашига сотиб олинган ЎВ тасдиқланган хилга мувофиқ эмаслиги тўғрисида маълуматларни юборади.

3. Метрологик таъминот ва унинг асосий жиҳатлари

Ўлчашларнинг метрологик таъминоти деганда талаб этилган ўлчаш аниқлиги ва бирлигига эришиш учун зарур бўлган техник воситалар, қоида ва меъёрлар, илмий ва ташкилий асосларни ўрнатиш ва қўллаш тушинилади.

Батафсил ва кенгроқ маънода *ўлчашларнинг метрологик таъминоти* – бу мамлакатда зарурий эталонлар, намунавий ва ишчи ўлчаш воситаларини яратиш; уларни тўғри танлаш ва қўллаш; метрологик қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш ва қўллаш; иқтисодиётда, вазирлик (маҳкам)ларда, корхоналарда, иш жойларида талаб этилган ўлчаш сифатини таъминлаш учун метрологик ишларни бажаришга йўналтирилган метрологик ва бошқа хизматларнинг фаолиятидир.

Метрологик таъминот тушунчаси жуда кенг яъни техник ўлчашларни амалга оширишдан то ўлчашлар бирилиги таъминлашгача ва қонунлаштирувчи метрология қўлланиб, асосан ўлчаш, синаш ва назоратга муносабати бўйича фаолиятда қўлланилади ҳамда бир вақтда *ишлаб чиқариш технологик жараёнларининг метрологик таъминоти* тушунчаси қўлланилишига ҳам рухсат этилган.

Метрологик таъминотни ташкил-услугий асосларини ташкил этувчи фаолиятлар қуйидагилар:

1. Метрологик таъминот асослари;
2. Метрологиянинг меъёрий-ҳуқуқий асослари;
3. Метрологик хизматлар ва ташкилотлар.

Ишлаб чиқариш корхоналари, ўлчаш воситалари ишлаб чиқарувчилар ва улардан фойдаланувчилар учун метрологик таъминотнинг корхона метрологик хизмати фаолияти билан боғлиқ қисми амалий қизиқишни намоён этади.

ва шунинг учун “корхона метрологик таъминоти” ва “ишлаб чиқаришни метрологик таъминоти” атамалари кенг қўлланилади.

Ишлаб чиқаришни метрологик таъминоти асосан қуйидагилардан иборат:

- ўлчашлар ҳолатини таҳлил қилиш;

- белгиланган аниқликга мос келувчи ўлчаш воситалари (еталонлар ва ишчи ўлчаш воситалари) фойдаланиш ва ўлчанаётган катталикларнинг ратсионал номенклатурасини ўрнатиш;

- ўлчаш воситалари қиёслаш ва калибрлашдан ўтказиш;

- ўрнатилган аниқлик меъёрларини таъминлаш учун ўлчашларни бажариш услубиётини ишлаб чиқиш;

- конструкторлик ва технологик ҳужжатларни метрологик экспертизадан ўтказиш;

- зарурий меъёрий ҳужжатларни (халқаро, давлат, тармоқ ва ташкилот стандартларини) жорий қилиш;

- техник омилкорликка аккредитатсиялаш;

- метрологик назоратни ўтказиш.

Бозор муносабатлари шароитида фойдаланилаётган ўлчаш воситларини асосий фонд қисми сифатида максимал фойда олишда ишчи ҳолатда бўлиши корхонанинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришни метрологик таъминоти корхона ва технологик жараёнларини, тайёрланаётган маҳсулот сифатини таъминловчи ва жараёнларни турғунлаштириш мақсадида аниқ бир даражада ортимал бошқаришни таъминлаши лозим. Бунда ишлаб чиқаришни метрологик таъминоти учун харажатлар ишлаб чиқариш қўламига, технологик тсиклининг мураккаблигига мос бўлиши ва унинг якуний ҳисобида нафақат қорлаши, балки даромад олиб келиши лозим. Ишлаб чиқаришни метрологик таъминотининг иқтисодий самарадорлиги ва мослигини баҳолаш илмий-тадқиқот институтларнинг метрологик хизмати ёки МИ 2240-92 “ДЎТ. Корхона, ташкилот бирлашмаларда ўлчашлар, назорат ва синаш ҳолатлари таҳлили” тавсияси асосида ташкилий ва услубий жиҳатдан мумкин.

Бу ҳужжат метрологик таъминотини такомиллаштириш дастурини ишлаб чиқиш учун техник омилкорликка аккредитлаштиришда, сифат тизимини ишлаб чиқиш ва сертификатлаштиришда фойдаланилади. Унда “корхонада

метрологик таъминот, ўлчашлар, назорат ва синашлар ҳолатини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги баҳолаш усули” келтирилган.

Унинг 2-илоvasи “Ахборот таъминоти. Корхонада ўлчашлар, назорат, синашлар ҳолатини таҳлил қилиш бўйича ахборотлари автоматлашган қайта ишлаш учун диалог ва алгоритмлар сценариялар” жуда ҳам долзарб ва зарурдир. Ушбу материалга қўшича равишда дастурий таъминотлар ва техник воситаларга мувофиқ корxonанинг метрологик хизмат ишларини автоматлаштириш ва оператсиялар ҳажмини камайтириш, ишаб чиқаришни метрологик таъминотининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашни содалаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга тавсиялар келтирилган.

Турли хил рапарметрлар ва келгусида уларнинг иқтисодий самарадорлиги; ишлаб чиқаришнинг ортимал метрологик таъминотини автоматлаштирилган қидирув (танлаш)ни таъминлаш бўйича вариантлари билан ишлаб чиқаришни метрологик таъминоти вариантларини моделлаштириш истиқболли бўлиб ҳисобланади.

Метрологик таъминотнинг тўртта ташкил этувчиси мавжуддир (1.1-расм):

1. **Илмий асоси:** метрология - ўлчашлар ҳақидаги фандир;
2. **Ташкилий асоси** - давлат ва маҳкамалардаги метрологик хизматдан ташкил торган Ўзбекистон Республикаси метрология хизмати;
3. **Техникавий асослари** - катталиклар бирлигининг давлат эталонлари, каталиклар бирлигини эталонлардан ишчи воситаларга узатиш, ўлчаш воситаларини яратиш ва ишлаб чиқишни йўлга қўйиш, ўлчаш воситаларининг мажбурий давлат синовлари ва уларни бажариш услубларининг метрологик аттестатсияси, ўлчаш воситаларини ишлаб чиқишда, таъмирлашда ва ишлатишда мажбурий давлат қиёслашидан ўтказиш, модда ва материалларнинг таркиби ва хоссалари бўйича стандарт намуналарни яратиш, стандарт маълумотномалар, маҳсулотнинг мажбурий давлат синовлари.

4. **Меъёрий-услубий (қонуний) асослари** - тегишли республика қонунлари, давлат стандартлари, давлат ва тармоқларнинг меъёрий ҳужжатлари.



1 1-расм Метрологик таъминот асослари

Метрологик таъминотнинг ўз олдига қўйган **асосий мақсадлари**:

- маҳсулот сифатини, ишлаб чиқариш ва уни автоматлаштиришнинг самарадорлигини ошириш;
- деталлар ва агрегатларнинг ўзаро алмашувчанлигини таъминлаш;
- моддий бойликларнинг ва энергетик ресурсларининг ҳисобини олиб бориш ишончлилигини таъминлаш;

- атроф-муҳитни ҳимоя қилиш;
- саломатликни сақлаш ва ҳоказолар.

Метрологик таъминот даражаси маҳсулотнинг сифатига бевосита таъсир қилади. Бу таъсир самарадорлигини янада ошириш мақсадида метрологик профилактика ишларига ва ишлаб чиқаришни тайёрлашдаги метрологик таъминот масалаларига алоҳида аҳамият берилади. Бу эса ўз вақтида республикамизда бозор муносабатларини янада чуқурроқ шаклланишига ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг эскорт имкониятини оширилишига муносиб замин яратади.

Ишлаб чиқариш тармоқларида метрологик хизматларнинг асосий вазифаси ишлаб чиқариш метрологик таъминлаш бўлиб ҳисобланади.

1.2-расмда маҳсулот ҳаётий тсиқлининг босқичларида метрологик таъминотни ташкиллаштириш янада қулай кўринишда келтирилган.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни метрологик таъминлаш жараёнида талаб қилинган сифат кўрсаткичларига ҳар бир технологик жараёнларнинг назоратини ўлчашларни бажариш ёрдамида эришилади. Бу босқичда ўлчаш воситалари ва усуллари аниқланиб ва ўлчаш назорати ва ўлчаш жараёнларини автоматлаштириш бўйича ишлар бажарилади, ўлчашларни бажариш услубиёти ишлаб чиқилади ва аттестатсияланади, агарда меъёрий ҳужжатларга мувофиқлиги назарда тутилган бўлса, технологик жараёнлар ва техникавий ҳужжатлар метрологик эскертисадан ўтказилади.


Ўлчаш информатсиясига нафақат миқдор бўйича талаблар, балки сифат бўйича ҳам талаблар қўйилади. Бунга унинг (ўлчашнинг) аниқлиги, ишончлилиги, тан нархи ва самарадорлиги каби тавсифлар киради.

Бу сифат тавсифларининг барчасининг асосида метрологик таъминот ётади. **Метрологик таъминотни** шундай таърифлаш мумкин. Ўлчашлар бирлигини таъминлаш ва талаб этилган аниқликка эришиш учун зарур бўлган техникавий воситалар, тартиб ва қоидаларнинг, меъёрларнинг, илмий ва ташкилий асосларнинг белгиланиши ва тадбиқ этилиши.

Ушбу тавсифдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, **метрологик таъминотнинг вазифасига** қуйидагилар юклатилган:

- ўлчаш воситаларининг ишга яроқлилигини ташкил этиш, таъминлаш ва тадбиқ этиш;
- ўлчашларни амалга ошириш, унинг натижаларини қайта ишлаш ва тавсия этиш борасидаги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш;
- ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш;
- ўлчаш воситаларининг давлат синовлари;
- ўлчаш воситаларининг ва услубларининг метрологик аттестацияси ва ҳоказолар.

Метрологик таъминот илмий, ташкилий, техникавий ва меъёрий-услубий асосларга бўлинади (1.2-расм).



1.2-расм. Метрологик таъминотни ташкиллаштириш.